

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACISI
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ЎЗБЕКИСТОН ГЕОГРАФИЯ ЖАМИЯТИ

ЎЗБЕКИСТОН ТАБИИЙ РЕСУРСЛАРИ ВА УЛАРДАН ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ МАҚСАДЛАРИДА ФОЙДАЛАНИШ

Республика илмий-амалий конференцияси
материаллари

Тошкент, 20-21 апрель 2018 йил



qilinayotgan ishlar, yechimini muammolar ko'pligi, hech kimga sir emas.

Aynan tabiiy obyektlarga sayohat uyushtirish bo'yicha turizmni shakllantirishda geoeologiyani yuqorida sanab o'tilgan yutuqlaridan foydalanish bu soha oldida turgan muammolarga yechim topishda kata imkoniyatga ega. Geoeologiya *birinchi* navbatda asosiy vazifasidan chetga chiqmagan holda hududda bo'layotgan tabiiy jarayonlar bilan manfaatlari ko'pincha zid bo'lgan aholining xo'jalik faoliyati o'rtasida oqilona va maqbul murosani topish orqali atrof tabiiy muhitni optimallashtirishni nazarda tutadi.

Ikkinchidan, geoeologiyada geotizmlarni daromad topish manbai sifatida qaramaydi, balki tabiat va jamiyat o'rtasidagi munosabatlarning aks ta'siriga ham e'tibor beriladi. Bu bilan u joydagi

turistik maqsadlarda oqilona va eng yaxshi natija beradigan foydalanish turi bo'yicha tavsiyalar beriladi.

Beshinchidan, bevosita 2 ta tizimda ya'ni tabiat va jamiyat tizimida bo'layotgan jarayonlarni taqiyat etish imkonini beradi. Bu bilan u faqatgina tabiat bilan cheklanib qolmasdan, tabiiy muhit ta'sirida xo'jalik faoliyatida bo'layotgan voqea-hodisalarni o'rganadi va qaysi turini shakllantirish bo'yicha tavsiyalar beradi.

Oltinchidan, geoeologiya turistik maqsadda loyihalanyotgan tabiiy geotizm ham geografik, ham ekologik jihatlariga bevosita e'tibor beradi. Bu esa, turistik loyihani sifat darajasini oshirishga xizmat qiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Rafiqov A., Sharipov Sh. Geoeologiya. Toshkent, "ADIB", 2014
2. Qayumov ., Safarov I., Tillaboyeva M. Jahon iqtisodiy-ijtimoiy geografiyasi. Toshkent, "O'zbekiston", 2006

ЎЎДИНТОЎ ТАБИИЙ РЕСУРСЛАРИ ВА УЛАРДАН ОҚИЛОНА ҲОЙДАЛАНИШНИНГ ГЕОГРАФИК ЖИХАТЛАРИ

**Адилова О., Ниёзов Н., Абдуллаев Ю.
Жиззах давлат педагогика институти**

ЎЎдинтоғ Нурота тизмасининг жанубий тармоқларидан бири бўлиб, у Жиззах вилоятининг Ғаллаорол, қўшни Самарқанд вилоятининг Булунғур, Жомбой ва Пайариқ туманлари чегарасида жойлашган. Тоғнинг катта қисми Самарқанд вилояти ҳудудига кириб борган ва фақат унинг шарқий ва шимоли-шарқий қисмигина маъмурий жиҳатдан Жиззах вилояти таркибига кирилади. Тоғнинг шимоли-шарқий ва шарқий қисмида яшовчи маҳаллий аҳоли

уни - Ҳўбдинтоғ деб аташади. Эътиборли томони шуки, қадимда тоғлар ягона ном билан аталмаган, аксинча тоғнинг турли қисмларида истиқомат қиладиган аҳоли тоғга турлича ном беришган. Балки, шу сабабдан, ҳам қўшни Булунғур туманининг Эшмонтўп, Мирзабулок ва бир қанча ёндош қишлоқларда истиқомат қилувчи маҳаллий аҳоли учун - Ғўбдинтоғ.

Ўзбекистон табиий географияси китобида ҳам Ғўбдинтоғ номи билан

тилга олинган. Бундан кўриниб турибдики, Ғўбдинтоғ ҳақиқатга яқинроқ ном ва тоғ номининг Ҳўбдинтоғ шаклига ўзгариши кейинги давр маҳсулидир. Ғўбдинтоғ - жанубдан Зарафшон дарёси, шимолдан Сангзор тоғ оралиги ботиғи билан чегарадош. Шимоли-шарқда Октоғ, жануби-ғарбда Қароқчитоғ тоғлари ҳамда Зарафшон дарёсининг ўнг irmoқлари билан чегараланган.

Мутахассислар, Ғўбдинтоғ - Қароқчитоғни жануби - шарқдаги давоми деб ҳисоблашади. У жануби - шарқдан, шимоли -ғарбга қараб 40 км масофага чўзилган. Тоғнинг эни 10-15 км, ўртача баландлиги 700-800 метрни ташкил этади. Унинг энг баланд нуқтаси марказий қисмидаги Ғўбдин тоғи - 1672 м. Тоғнинг шимолий ёнбағри қия, калта ва кўплаб курук сой ва жарликлар билан кесилган. Ғўбдинтоғ геологик тузилиши жиҳатидан палеозой эрасининг, оҳақтош, кумтош ва сланецларидан ташкил топган.

Тоғнинг иқлим шароити яхши ўрганилмаган, ўртача йиллик ҳарорат 13°C , январ ойининг ўртача ҳарорати $-1, -2^{\circ}\text{C}$, июл ойининг ўртача ҳарорати 26°C га тенг. Ўртача йиллик ёғингарчилик миқдори 460-470 мм ни ташкил этади. Сойлар кам, ўртача сув сарфи $0,081 \text{ м}^3/\text{сек}$ дан то $0,038 \text{ м}^3/\text{сек}$ гача камайиб боради. Ғўбдинтоғ паст тоғлар сирасига кирганлиги боис, тоғ тепасида доимий қорлар йўқ. Тоғдан бошланадиган сойларда, асосан баҳорги эриган қор ва ёмғир сувларидан тўйинган сойларда сел кузатилади.

Юқорида қайд қилингандек, Ғўбдинтоғ континентал иқлимга эга бўлиб, иқлимий хусусиятлари жиҳатидан қиши нисбатан илиқроқ (январнинг ўртача ҳарорати $-2, -3$ градус атрофида), ёзи иссиқ (июлнинг ўртача ҳарорати $27 - 28$ градус атрофида) ва курук (ўртача йиллик ёғин миқдори 200 - 400 мм). Айрим серёғин йилларда сойлардан сел келади ва унинг атрофидаги аҳоли пунктларига жиддий талофатлар етказиши мумкин.

Худди шундай ҳолат, 2012 йилнинг баҳор ойларида кузатилди, яъни ёғингарчиликни кўп бўлиши натижасида пайдо бўлган сел, бир қанча аҳоли турар жойларига жиддий зарар етказди. Бунга кишлоқларни сойлар яқинида жойлашганлиги ҳамда сойлар сувини ўзанидан тошишини асосий сабаби қилиб кўрсатиш мумкин. Табиий офатларни олдини олиш мақсадида сув йўлида жойлашган кишлоқларни хавфсиз жойларга кўчириш ишлари олиб борилмоқда.

Ғўбдинтоғ кўпроқ яйлов ва лалмикор сифатида фойдаланилади. Мавжуд бўз тупроқларда дашт ўсимликлари кенг тарқалган. Тоғ худудининг шарқий ва шимоли - шарқий қисмида асосан бўз тупроқлар кўп ва бу лалмикор деҳқончиликни ривожлантириш имконини беради. Деҳқончилик маҳсулотларидан донли экинлар буғдой, арпа, масхар, дуккакдилардан нўхат, полиз экинларидан қовун ва тарвудан яхши ҳосил олиш мумкин. Тоғнинг жанубий, жануби - ғарбий ва шимоли - ғарбий қисмида боғдорчилик яхши ривожланган. Маҳаллий иқлим шароити узумчиликни ривожлантириш учун қулай, хусусан тоифи, қора кишмиш, қора жанжал каби узум навлари яхши ҳосил беради.

Маълумки, лалмикор ерларда ҳосилнинг яхши бўлиши табиий географик шароитга, яъни ёғингарчилик миқдорига боғлиқ. Сўнгги йилларда иқлимий ўзгаришлар натижасида ёғингарчилик кам ёғаяпти ва бу ҳолат экинларнинг ҳосилдорлигига жиддий таъсир кўрсатмоқда. Натижада, лалмикор ерларда тупроқлар маҳсулдорлиги пасайиб, ҳосилдорликни йилдан-йилга камайиши кузатилмоқда.

Қадимдан Ғўбдинтоғдан чорва учун яйлов сифатида фойдаланиб келинган. Тоғ атрофида ер ости сувларнинг сатҳи чуқурлиги ва сойлар камлигидан чорва моллари асосан булоқлардан ва тоғга яқин бўлган сойлардан сув ичади. Маҳаллий чорвадорлар баҳорда кунлар исиши билан кўй сурувларини тоққа

хайдаб кетади ва то совук кунлар бошлангунга қадар ўша ерда боқишади. Чорва маҳаллий халқни жун, сут, гўшт маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондиришга хизмат қилади.

Баҳорда тоғ худдуди яшилликка бурканади ва бу кўриниш апрел ойининг охиригача давом этади. Май ойи кириб келиши билан, яйлов майдонлари қисқаради. Натижада, чорва учун яйловлар камаяди ва бу ҳолат, июл-август ойларида лалми ерлардаги донли экинлар йиғиштириб олинганга қадар давом этади. Шундан сўнг, чорва моллари учун ҳосили йиғиштириб олинган ерлар янги озуқа майдонларига айланади.

Паст тоғлар ландшафтга эга бўлган Ғўбдинтоғда кўзикулок, окқуврак, шувок, ялтирбош, чалов, буғдойик, каррак, гулхайри, бетага каби эфемерлар ўсади. Буталардан дўлана, писта, бодомча учрайди. Тоғнинг юқори қисмидаги бўз тупроқларда дашт ўсимликларини учратиш мумкин. Жумладан, кўзикулок, коврак, тошбақатол, шувок, окқурай, бундан ташқари янтоқзорлар катта майдонларни эгаллайди.

Кемирувчи ҳайвонлардан юмронқозик, кўрсичқон, кўшоёқ, типратикан учрайди. Бундан ташқари тулки, бўри, ёввойи қуён, судралиб юрувчилардан кўлвар илон, ўқ илон, тошбақа, эчкемар, ҳашоратлардан фаланг, бий, қорақурт, қушлардан каклик, чумчук, қирғий, бургут учрайди. Тоғдаги айрим йўқолиб бораётган ўсимлик ва ҳайвон турлари “Ўзбекистон Қизил китоби” га киритилган.

Ғўбдинтоғдан қазилма бойликлар ҳам топилган. Маҳаллий аҳоли улардан

турли мақсадларда фойдаланади. Хусусан, қурилиш саноати учун зарур бўлган хомашё (оҳактош, кум, шағал, гипс, бўр) захиралари анча катта ва худуд бўйлаб кенг тарқалган. Тоғнинг шарқий қисмида Маржонбулоқ олтин кони бор. Тоғ ва тоғолди худудлари рекреация ресурслари билан ажралиб туради, табиий ҳам сақланаётган биологик хилма-хиллик экотуризмни ривожлантириш учун қулай.

Ғўбдинтоғнинг бетакрор гўзаллиги, мавжуд ноёб табиий ёдгорликлари сайёҳатчилар ва табиат олувчиларни доимо ўзига жалб этиб келган. Худуд табиий бойликларидан оқилона фойдаланиш билан бирга уларни муҳофаза қилиш керак. Чорва молларни тартибсиз боқиш, ўтин учун дарахт ва буталарни кесиш мавжуд экотизимга салбий таъсир кўрсатади.

Шу билан бирга бундай ҳолат, маҳаллий аҳолининг асрлар давомида асосан табиий муҳит билан боғлиқ бўлган хўжалик фаолиятига салбий таъсир кўрсатади ҳамда ижтимоий, иқтисодий ва экологик муаммоларнинг кескинлашувига олиб келади. Сўнгги йилларда Ғўбдинтоғдаги биологик хилма-хилликни сақлаб қолиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишнинг янгича усуллари кўллаш, маҳаллий халқнинг турмуш шароитини имкон қадар яхшилаш муаммоси вужудга келмоқда.

Шу сабабдан, интенсив хўжалик юритишга таъсир кўрсатадиган табиий географик жараёнларнинг салбий оқибатларини ўрганиш ҳамда уларга қарши чора-тадбирларни белгилаш ниҳоят долзарб масала ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. -Т.; 11-жилд. 2005. -б. 239
2. Ҳақимов Қ.М., Адилова О.А. Жиззах вилояти географияси. -Т.; 2015.

rivojlantirishdagi o'рни haqida.....	155
Адилова О., Ниёзов Н., Абдуллаев Ю. Гўбдинтоғ табиий ресурслари ва улардан оқилона фойдаланишнинг географик жиҳатлари.....	156
Базарбоева С.Б. Дўстлик тумани ер ресурсларидан самарали фойдаланиш масалалари.....	159
Аманбаева З.А., Нугманова А.А. Тоғли ўлкалар табиати ва табиий ресурслардан фойдаланишнинг геоэкологик асослари.....	160
Бердикулова М.Т. Чориева Х.А. Қашқадарё вилояти табиий ресурсларидан фойдаланиш имкониятлари (Дехқонобод калий заводи мисолида).....	162
Ботирова Ш. Оҳангарон тумани табиий ресурслари ва улардан оқилона фойдаланиш масалалари.....	164
Зокиров Ш.С., Тошов Х.Р. Ўрта асрларда ғарбий европада географик билимларнинг ривожланиш даврлари.....	166
Нугманова А.А., Абдуллаев Д.И. Эрозия земельных ресурсов в узбекистане и мероприятия по ее предотвращению.....	167
Рахматуллаев А., Мамажонов Р.И., Баратов Х.А. Ўзбекистон Республикасида шамол энергетикаси ва унинг истиқболи.....	169
Рисбаев А.А., Шарипов Ш.М. Бустонлик тумани думалоқ қфй экин майдонларидан фойдаланишда географик хусусиятларини ҳисобга олиш.....	172
Сабитова Н.И. Тўхтаева Х.Т. Рельеф пластикаси карталари ёрдамида марказий қизилқумдаги мавсумий сув манбаларидан фойдаланиш имкониятлари.....	174
Тошбоев З.М., Мирзаева А., Маматмуродов Т. Қорақум чўли табиатининг ўрганилиши.....	175
Сабитова Н.И., Стельмах А.Г., Таджибаева Н.Р. Метод пластики рельефа при картировании современных форм рельефа бассейна реки Чирчик.....	178
Туйчиева М.А., Туйчиева И.А., Едгоров Ш.И., Джураев Н.М., Матвапаев С.Р., Жаҳонгиров Н.Ж. Методика применения возможностей современных arсgis технологий для оценки геоэкологического фактора сейсмического риска территорий.....	179
Ходжиматов А.Н., Холмуродов Ш.А., Иброимов Ш.И. Рекреация географияси хусусида.....	182
Холдорова Г.М., Бекназарова И.С. Жиззах вилояти ер ресурсларидан самарали фойдаланиш масалалари.....	184
Шомуродова Ш.Ғ., Шарипов Ш.М. Чимён-Чорвоқ курорт-рекреация зонасида дам олишни яратиш ва ривожлантириш бўйича лойиҳа ҳақида.....	186
Эргашева М.К., Давронова М.О. Аму-Бухоро машина канали таъсир зонасининг географик хусусиятлари билан боғлиқ муаммолар.....	188
Эшбоев Б.Т., Зиёдуллаева Ш., Абдиҳолиқова Г. Жануби-ғарбий ҳисор тоғларининг геологик ва геоморфологик ёдгорликлари.....	190

4-СЕКЦИЯ. ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ГЕОГРАФИЯ ВА ТАБИИЙ РЕСУРСЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ МУАММОЛАРИ

Тожиева З.Н., Дўсмонов Ф.А. Ўзбекистон Республикаси аҳолиси миллий таркибидаги ўзгаришлар (1989-2016 йй.).....	193
Мавлонов А.М. Чўл шароитида аҳоли ва хўжаликни ҳудудий ташкил этиш шакллари ҳақида баъзи бир мулоҳазалар (газли – цветущий – жонгелди – чурук – газли ҳалқаси мисолида).....	196
Botirova Sh.K. Ohangaron tumanining yer va suv resurslaridan xo‘jalikda foydalanish.....	197

Чорва моллари бокилишининг ўсимликларга таъсирини аниқлаш мақсадида кишлоқдан турли узокликда майдони 100 м² бўлган (10м x 10 м) тўртта участкалар танланди ва 100 м² майдонни 1 м² дан кичик майдончаларга бўлиб чиқилди. Бунинг учун ялтирок лента тасмадан фойдаланилди. Ҳар бир квадратдаги ўсимликлар сони, тури, очик ўсимликсиз ерлар майдони ўлчаб ёзиб борилди ва унинг плани қоғозга туширилди. Тупрок ювилишидан ҳосил бўлган эрозион шаклчалар чуқурлиги ўлчанди. Ҳар бир квадрат учун ўсимликларнинг проектив қоплами, доминант ўсимликлар турлари ҳисоблаб планда шартли белгилар ёрдамида кўрсатилди. Бу методдан ўз вақтида ботаник (М.В. Культиасов 1923) фойдаланганлигини ва доминант ўсимлик турларини аниқлаганлигини С.Н.Кудряшев ёзган.[2]

Ушбу “тўр” ёрдамида чўлланиш жараёнини аниқлашда қўйидаги натижалар олинди: кишлоқдан 500 метр шимолда ўсимликларнинг проектив қоплами 20-25%, 1500 метр масофада 30-40 %, 2500 метр масофада 50-60 %, 3800 метр масофада 70-85 % ни ташкил қилди. Сўзсиз кишлоқлардан узоклашган сари ўсимликларнинг тур ва сони ошиб боради, чўлланиш жараёни сусайиши сезилади. Чорва моллари сонига боғлиқ ҳолда яйловга тушадиган “юк” кишлоқдан узоклашган сари камайиб боради. Тоғ шароитида рельеф ва баландликка боғлиқ ҳолда чорва чорва молларнинг бир кун давомида бокиладиган масофаси ўртача кишлоқдан 4000-4500 метрни, текисликларда 5000-6000 метрни ташкил қилади. Шу масофада чорва моллар энг кўп бокиладиган жойлар кишлоқдан 2000-2500 метр масофани ташкил қилишлиги аниқланади. Шу масофада чорва молларнинг доимо юришидан ҳосил бўлган йўлакчалар қирлар атрофларини тасмадек ўраб олган. Кишлоқ яқинларида 1000-1500 метр узокликкача моллар юришидан ҳосил бўлган йўлакчалар умумий ер юзасининг 30-45% гача майдони эгаллайди.

Қир ёнбағирларида тиккасига ҳосил бўлган йўлакчалардан қор ва ёмғир сувлари оқиб кичик жарчалар ҳосил қилган. Бундай эрозион шакллар кишлоққа яқинлашган сари кўпаяди ва уларнинг чуқурлиги ҳам ортади.

Юқоридаги Эшмонтўп кишлоғидан 500 метр шарқ томонда ташкил қилинган биринчи мониторинг майдонча ичига арча, қайроғоч ва бодомчалар экилганлиги тўғрисида ёзган эдик. Ушбу уч турдаги дарахт ва буталарнинг олти йил давомида ривожланиш кўрсаткичлари куйидаги жадвалда берилган.

1-жадвал

Эшмонтўп кишлоғидаги мониторинг майдончага экилган арча, қайроғоч ва бодомчаларнинг ривожланиш кўрсаткичлари (см.да).

Дарахт ва буга тури	2011	2012	2013	2014	2015	2016
Арча	58	75	93	113	139	148
Бодомча	91	105	130	148	162	179
Қайроғоч	51,6	77,3	92	108	141	164

1-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики ҳар учала дарахт ва буталар олти йил давомида ёмғир ва қор сувлари ҳисобига яхши ривожланган, уларнинг бўйи ҳар йили 12-14 см га ўсган, танасининг йўғонланиши олти йил давомида дастлабки экилган ҳолатига нисбатан икки марта ошган, шохлари қалинлашган, кўпайган, айланаси ҳам (кронаси) икки, икки ярим баробар катталашган.[3]

Дарахт ва буталар экилган мониторинг майдонча юзаси 5-7 см қалинликдаги юмшоқ нураган жинслар билан қопланган, уларнинг тагида кристаллашган сланец тошлар ётибди. Тошлар 25-30 см қовланиб дарахт кўчатлари экилган эди. Шундай қаттиқ тошлок муҳитда ушбу дарахт ва буталарнинг кўкариши ва ривожланиши Ғўбдин тоғи худудида